

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗАКИРОВА ГУЛНОРА ВОХИД ҚИЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ-  
СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ  
(босма ва интернет нашрларининг 2014-2020 й.й.  
материаллари мисолида)**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Закирова Гулнора Вохид қизи**

Ўзбекистон матбуотида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалаларининг ёритилиши (босма ва интернет нашрларининг 2014-2020 й.й. материаллари мисолида).....3

**Закирова Гулнора Вохид қизи**

Освещение в прессе Узбекистана вопросов общественно-политической активности женщин ( на примере материалов печатных и интернет – изданий за 2014-2020 г.г.).....27

**Zakirova Gulnora Vohid qizi**

Coverage of social and political activity of women in the press of Uzbekistan (in the example of printed and online publications in 2014-2020) ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....56

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗАКИРОВА ГУЛНОРА ВОХИД ҚИЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ-  
СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ  
(босма ва интернет нашрларининг 2014-2020 й.й.  
материаллари мисолида)**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fil1011 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.uzjoku.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Маматова Якутхон Муҳаммаджоновна,</b> филология фанлари доктори, профессор в.б.
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Тешабаева Дилфуза Муминовна,</b> филология фанлари доктори, профессор  <b>Ўсаров Олимжон Авалбаевич,</b> филология фанлари номзоди
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Марказ – 5, 88- уй) Тел.: (+99871)207–09–06; e-mail: journalism.univer@gmail.com).

Диссертация билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (Манзил:1000174, Тошкент шаҳри, Марказ – 5, 88- уй) Тел.: (+99871)207–09–06).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ф.А. Мўминов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**Н.Ф. Муратова**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

**Қ.Т. Ирнараров**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт бўйича бешинчи мақсади жаҳонда хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятларни яратишга, аёллар ва қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган. Шу маънода хотин-қизларнинг иқтисодий салоҳиятини, ижтимоий-сиёсий мавқеини янада оширишга бўлган эҳтиёж ҳам жаҳон миқёсида долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилган. Ҳозирги вақтда «...дунё аҳолисининг 51 фоизини аёллар ташкил этган ҳолда, уларнинг фақат 5 фоизи давлат ва жамият бошқаруви лавозимларида фаолият юритмоқда»<sup>1</sup>.

Жаҳон олимлари матбуотда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалаларини ўрганишда асосан терминология, гендер муносабатларининг талқини, оиладаги зўравонликнинг умумий жиҳатлари, гендер стереотипларининг қиёсий тарихи, аёл журналистлар фаолиятига эътибор қаратганлар. Шу билан бирга, глобал миқёсда ОАВда гендер тенглигига эришиш масалаларининг ёритилиши катта илмий баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда, чунки хотин-қизлар масаласи турли минтақаларда тарихий, иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий омиллар ҳисобига турли мазмун касб этади. Айниқса, ўтиш даврини бошидан кечираётган ёш мустақил давлатлардаги ОАВнинг ушбу соҳадаги фаолиятини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга, чунки бундай жамиятларда янги иқтисодий ва сиёсий муносабатлар шаклланиши давомида гендер зиддиятлари кескинлашади ва улар миллий тараққиётга салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда 2019 йилдан бошлаб аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятларини кафолатлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “хотин-қизларда мотивация уйғотиб, касбий кўникмалар шакллантириш, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва молиявий кўмак бериш”<sup>2</sup> масалаларини ҳал этиш Ўзбекистон аёлларининг жамиятдаги мавқеини оширишга, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол бўлишларига муҳим замин яратади.

Миллий тараққиётимизнинг янги босқичида аҳолининг гендер маданиятини шакллантиришда, хотин-қизлар камситилишининг барча кўринишларига барҳам беришда, уларни жамиятнинг фаол аъзосига айланишида оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг, шу жумладан, матбуот ва интернет нашрларининг роли тобора ўсиб бормоқда. Айнан матбуот ва журналистлар жамиятимиз юксалиши жараёнида хотин-қизларнинг

---

<sup>1</sup> Женщины в бизнесе и управлении. Доклад Международной организации труда. 2017. <http://www.mk.ru/social/2017/01/13/doklad-mezhdunarodnoy-organizacii-truda-dolya-zhenshinrukovoditeley-v-mire-vsego-5.html>.

<sup>2</sup> Хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича янги иш тизими белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 октябрь куни жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.// Халқ сўзи. 2020. 9 октябрь.

ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий жабҳада амалга ошираётган ишларини кенг ёритишда, жамиятда ўз муносиб ўринларини эгаллашида жонбозлик кўрсатишлари давр талабига айланди. Шу боис миллий босма ва интернет нашрларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари ёритилишининг меъёр, тамойил, тенденция, шакл ва усулларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб илмий муаммога айланган.

Ушбу диссертацион тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида, 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунларда, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазибаларни ижроси йўлида хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу илмий муаммо жаҳон миқёсида XX асрнинг охири XXI аср бошларида ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилди.

Россиялик олимлардан Н.Ажгихина<sup>3</sup> замонавий масс-медиаларда гендер қолипларининг ифодасини таҳлил қилган. Е.Вартанова ва бошқалар<sup>4</sup> ОАВда сиёсий кампанияларнинг гендер жиҳатлари, уларнинг фуқаролик маданиятини шаклланишидаги ўрни, медиаижоднинг гендер жиҳатлари

---

<sup>3</sup> Ажгихина Н. Гендерные стереотипы в современных масс-медиа. // Гендерные исследования. 2000. № 5. С. 261–273; Ажгихина Н. И. Парадоксы российской истории // Женщина Плюс... 2001. № 1. С. 2–4; Ажгихина Н. И. А кони все скачут и скачут... Несколько штрихов к коллективному портрету современной журналистики: гендерный формат [Электронный ресурс]. URL: <http://www.ruj.ru/authors/azhghihina/08016.html>

<sup>4</sup>Вартанова Е. Л., Смирнова О. В., Фролова Т. И. Гендерная проблематика в политических кампаниях: СМИ как индикатор гражданской культуры [Электронный ресурс]. URL: <http://mediascope.ru/node/344>; Здравомыслова О. М. Гендерные исследования как опыт публичной социологии в России [Электронный ресурс]. URL: <http://www.polit.ru/author/2009/09/24/gender.html>; Московский центр гендерных исследований [Электронный ресурс]. URL: <http://www.gender.ru/index.php?id=0>; Рыбцова Л. Л. Общественно-политическая активность женщин // Социол. исслед. 2001. № 4. С. 78–80; Олешко В. Ф. Есть ли пол у медийного творчества? Заметки на полях анкетного опроса, проведенного мужчиной // Журналист. 2005. № 1. С. 74–76.

ўрганишган. Г.А.Матунова<sup>5</sup> XX аср бошларида “The Times” ва “The Guardian” газеталарида хотин-қизлар мавзусини ёритишда қўлланилган терминологияни таҳлил этган. И.Сидорская ва А.Раду<sup>6</sup>лар Беларус ОАВда гендер муносабатларининг талқинини, оиладаги зўравонлик масаласи ёритилишининг умумий жиҳатларини таҳлил этишган. Р.Бободжанова, В.Исмаилова<sup>7</sup>лар Тожикистон ОАВдаги гендер стереотиплари, мамлакатнинг русийзабон нашрларида гендер масалаларининг ёритилиши амалиётини киёсий-тарихий асосда ўрганишган.

ЮНИСЕФ ва Европа Иттифоқи парламенти тадқиқотларида<sup>8</sup> глобал медиа маконининг ўспирин ва ёшларда муқобил гендер феъл-атвори шакллантиришга таъсири, ОАВдаги гендер тимсоллар талқини ўрганилган. Джулия Т.Вуд<sup>9</sup> АҚШ ОАВда гендер муносабатларининг тарихи, бугунги ҳолати ва маданиятдаги ифодасини тадқиқ этган. Линда Штайнер<sup>10</sup> ОАВда аёл журналистларнинг меҳнат шароитларини ўрганган. Азман Азмавати<sup>11</sup> Малайзия журналларида гендер муносабатларига оид ижтимоий мунозаралар мазмунини, миллий маданият ва медиалардаги гендер роллари<sup>12</sup>ни таҳлил қилган. Нидерландия тадқиқотчилари аёл ва эркекларга йўналтирилган телеканаллар фаолиятидаги гендер қолипларни аниқлашган.

Ўзбекистонда олиб борилган илмий тадқиқотлар<sup>13</sup>нинг асосий қисми тарих ва ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида бажарилган.

---

<sup>5</sup> Матунова Г. А. Гендерный аспект британских публикаций начала XX века (на материале газет "The Times" и "The Guardian") // Филологические науки. Вопросы теории и практики. - Тамбов: Грамота, 2016. № 11(65): в 3-х ч. Ч. 1. С. 132-135.

<sup>6</sup> Сидорская А., Раду А. Гендер и СМИ. Учебное пособие для журналистов. – Минск: 2014.

<sup>7</sup> Бободжанова Р.М Роль СМИ в формировании гендерных стереотипов. Автореф. дис. д-ра филол. наук. Душанбе, 2006; Исмаилова В.Р. Освещение гендерных проблем в печатных средствах массовой информации Республики Таджикистан. Автореф. канд. дисс. – Душанбе: Российско-Таджикский (славянский) университет, 2010.

<sup>8</sup> John, N. A., Stoebenau, K., Ritter, S., Edmeades, J. and Balvin, N. (2017). Gender Socialization during Adolescence in Low- and Middle-Income Countries: Conceptualization, influences and outcomes. *Innocenti Discussion Paper* 2017-01, UNICEF Office of Research – Innocenti, Florence. // [www.unicef-irc.org@UNICEFINnocenti](http://www.unicef-irc.org@UNICEFINnocenti) facebook.com/UnicefOfficeofResearchInnocenti; Katie McCracken, Ana FitzSimons, Sarah Priest, Sylvia Girstmair, Brenda Murphy. Gender Equality in the Media Sector. Study. – Brussels, European Union, 2018. // <http://www.europarl.europa.eu/supporting-analyses>.

<sup>9</sup> From *Gendered Lives: Communication, Gender, and Culture* by Julie T. Wood, Chapter 9, pp. 231-244.

<sup>10</sup> Steiner L. Gender and Journalism. Online Publication Date: Feb 2017 DOI: 10.1093/acrefore/9780190228613.013.91. // Printed from the OXFORD RESEARCH ENCYCLOPEDIA, COMMUNICATION (oxfordre.com/communication). (c) Oxford University Press USA, 2019. All Rights Reserved. Personal use only; commercial use is strictly prohibited (for details see Privacy Policy and Legal Notice).

<sup>11</sup> Daalmans S., Kleemans M., Sadza A. Gender Representation on Gender-Targeted Television Channels: A Comparison of Female- and Male-Targeted TV Channels in the Netherlands // [www.ncbi.nlm.nih.gov](http://www.ncbi.nlm.nih.gov).

<sup>12</sup> Azman Azwan Azmawati. Women, Politics and The Media. // International Journal of Journalism & Mass Communication. Open Access // <https://doi.org/10.15344/2349-2635/2017/126>. - IJMC, an open access journal Volume 4. 2017. 126

<sup>13</sup> Алимova Д.А. Женский вопрос в Средней Азии. История изучения и современные проблемы. – Ташкент: Фан, 1991; Ўша муалл. Хужумга зарурат бормиди? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1992. – 11 сентябрь; Ганиева Г.Ж. Женский вопрос в Узбекистане: новые подходы, проблемы и решения (1991–2005): Автореф. дис... канд. ист. наук. – Ташкент, 2006.; Насруллаева Х. Ўзбекистонда Хотин-қизлар ижтимоийлашуви жараёнининг фалсафий таҳлили: Фалсафа фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2000; Сафаева С.Х. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлари: Фалсафа фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2002; Нишонова О.Ж. Ўзбек аёллари этномаданияти: генезиси, хусусиятлари, муаммолари (фалсафий-маданий ёндашув): Фалсафа фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2005.; Абдуллаева Я.А. XIX асрнинг охири ва XX асрда Қорақалпоғистонда хотин-қизлар масаласи (ижтимоий-

Журналистика соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар мавзу доирасидаги долзарб тенденцияларни аниқлаб беришга хизмат қилган. Хусусан, М. Миролимова ва Н. Степанова<sup>14</sup>лар республикамизнинг марказий ОАВда гендер масаласи ёритилишининг илк амалиёти, йўналишлари ва шаклларини таҳлил этишган. Я.Маматова ва С. Сулайманова<sup>15</sup>лар хотин-қизларнинг ОАВда фаолият юритишини, Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги дастлабки тажрибаларини таҳлил қилишган. Х. Дўстмухаммедов<sup>16</sup> журналист касбий одоб-ахлоқи масалаларини тадқиқ этган. Ф.П. Нестеренко<sup>17</sup>, К.Т. Ирназаров<sup>18</sup> ишларида журналист меҳнатининг хусусиятлари, босма ОАВдаги қолипларнинг юзага келиши ва уларнинг ижтимоий фикрга таъсири таҳлил қилинган. Ф. Мўминов<sup>19</sup> матбуотнинг ижтимоий-сиёсий институт сифатидаги фаолиятини, матбуотнинг оммавий аудиторияга таъсирини ўрганган. Б. Дўстқораев<sup>20</sup> изланишида миллий матбуот саҳифаларида аёллар мавзусининг ёритилиши тарихи хусусида фикр юритган. М. Худойқулов, Т.Қозоқбоев<sup>21</sup>ларнинг тадқиқотларида ОАВ ва журналистика функциялари, тамойиллари, жанрлар таснифи масалалари ўрганилган. Д.Тешабаева<sup>22</sup> ОАВ тилини нутқ маданияти аспектида, З.Тоҳиров<sup>23</sup> даврий нашрларнинг тили, услубияти, терминларни қўллаш масалаларини тадқиқ этишган. Н.Тошпўлатова<sup>24</sup>нинг изланишларида матбуотда ўзбек адабиёти муаммоларининг ёритилиши, журналистика психологияси, таҳлилий журналистика назарияси, кўринишлари ва жанрлари ўрганилган. Н.Қосимова, Ш.Қудратходжаев, Н.Муротова<sup>25</sup>ва бошқалар Ўзбекистон интернет

сиёсий аспект): Тарих фан. д-ри. ... дис. – Тошкент: 2005; Жўраева Н.Д. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни (XX асрнинг 20-30 йиллари): Тарих фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2004.; Маткаримова Г.А. Халқаро ва миллий ҳуқуқда аёлларнинг гендер ва репродуктив ҳуқуқлари: Юрид. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 2002; Холова Э. Международно-правовые аспекты борьбы с вербовкой женщин и детей: Дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2008; Ўразалиева Г.Б. Гендер муносабатларининг аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга таъсири (социологик таҳлил): Социол. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2006.

<sup>14</sup>Миралимова М., Степанова Н. Гендер и СМИ Узбекистана/ -Т.:ЖҚТЦ,2008.

<sup>15</sup>Mamatova Ya., Sulaymanova S. Oltin o'rtalik sari: O'zbekiston ommaviy axborot vositalarida gender munosabatlari. O'quv qo'llanma.-Т.:Exstremum press, 2016.

<sup>16</sup> Достмухаммедов Х.Қ. Журналистнинг касбий одоби муаммолари(назарий-методологик таҳлил). –Т.:Янги аср, 2007; Хуршид Дўстмухаммад. Ахборот: моҳияти, фалсафаси, жозибаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2013.

<sup>17</sup> Нестеренко Ф.П., Эрназаров К.Т.,Маматова Я.М.Труд журналиста, профессионализм, творчество, мастерство.Учебное пособие. Ч.1.– Т.: Zar Qalam,2002.

<sup>18</sup> Ирназаров К.Т. Пресса и межнациональные отношения: критика стереотипов тоталитаризма и политика независимого развития. Автореф. дисс. докт.ист.н.-Т.: НУУз, 2004; Ирназаров К.Т. ва б. Репортерлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма.-Т.: МРС, 2002.

<sup>19</sup> Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. –Т.: Унверситет, 1998.

<sup>20</sup> Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи.Дарслик-Т.: Фан, 2009.

<sup>21</sup>Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Т.:Tafakkur,2011; Qozoqboev T., Xudoyqulov M. Jurnalistikaga kirish. –Т.: Iqtisod-Moliya,2018.

<sup>22</sup> Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида). Филол. фан. докт. дисс. автореф. - Т.:ЎзДЖТУ, 2012.

<sup>23</sup> Тоҳиров З.Т.Adabiy tahrir. Darslik.- Т.:Tafakkur Bo'stoni, 2012; Ўша муаллиф. Таҳрир мантики.- Т.Ўзбекистон, 2016; Ўша муаллиф. Бадий нутқ.-Т.: Фан ва технология, 2017.

<sup>24</sup> Тошпўлатова Н.К. Истиклол даври матбуотида ўзбек адабиёти муаммоларининг ёритилиши (1991-2000 йиллар матбуоти материаллари асосида). Филол. фан. номз. дисс. автореф.-Т.:ЎЗМУ, 2004; Ўша муалл. Toshpo'latova N. Jurnalistika psixologiyasi.-Т.: Sano-standart, 2013; Ўша муалл. Таҳлилий журналистика. Маърузалар матни. – Т.: ЎзДЖТУ, 2014.

<sup>25</sup> Қосимова Н. Онлайн журналистика.Дарслик. –Т.: Чўлпон НМИУ, 2019; Ўша муаллиф. Интернет журналистиканинг технологик асослари. Олий ўқув юр்தларининг журналистика факультетлари ва оммавий

журналистикасининг шаклланиши, асосий йўналишлари, мультимедиавийлик жиҳатлари ҳамда медиасаводхонлик масалаларини таҳлил қилишган.

Юқоридагиларга таянган ҳолда, ҳозиргача Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалаларининг матбуотда ёритилишига бағишланган махсус тадқиқотлар ўтказилмаганини эътироф этиш зарур.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ “Журналистика, оммавий коммуникация назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқоти доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон босма ва интернет нашрларида 2014-2020 йилларда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалаларининг ёритилишидаги ёндашув, тамойил, шакл ва усулларни очиб беришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ҳуқуқий эволюциясини ўрганиш;

хотин-қизлар масаласини ёритишда ихтисослашган нашрларнинг типологик хусусиятларини, ривожланишининг асосий тамойиллари ва вазифаларини аниқлаш;

матбуотда хотин-қизларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидаги фаолиятининг ёритилиши хусусиятларини тадқиқ этиш;

матбуотда CEDAW Конвенциясининг Ўзбекистонда ижроси масалалари талқинини ўрганиш;

босма ва онлайн нашрларнинг хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга таъсирини таҳлил қилиш;

хотин-қизлар мавзусига оид матбуот материалларининг тили ва услубининг ўзига хослигини ўрганиш;

матбуотда аёллар образини яратишдаги қолипларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари асослаб бериш;

хотин-қизлар мавзусини матбуотда ёритишда журналист маҳорати ва ахлоқий жиҳатларининг аҳамиятини кўрсатиш;

хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият юксалишида уларнинг ролини оширишга қаратилган матбуот фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида хотин-қизлар мавзусини ёритишда фаол бўлган “Халқ сўзи”, “XXI ASR”, “Oila va jamiyat”, “Oila davrasida”,

---

ахборот воситалари таҳририятлари ва уларнинг қошида фаолият юритаётган «Маҳорат мактаблари» учун қўлланма. – Т.: ЖКТМ, 2010; Кудратхўжаев Ш. Интернет: тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. –Т.: Ўзбекистон. 2011; Муротова Н.Ф. Журналистика в Интернет: особенности on-line изданий Узбекистана и их функционирование в условиях глобального информационного рынка. Автореф. дисс.канд. фил.наук.-Т.: НУУз, 2011; Муратова Н., Гризл Э., Мирзахмедова Д. Медиа- и информационная грамотность в журналистике: пособие для журналистов и преподавателей журналистики.- Т.:Бактрия-пресс, 2019.

“Даракчи” газеталари, “Саодат”, “Дугоналар”, “Tadbirkor Ayol”, “Мўминалар” журналлари, saodat.gul, kun.uz, anhor.uz, xabar.uz каби интернет нашрларининг 2014-2020 йиллардаги сонлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ушбу нашрларнинг мавзули-муаммоли йўналишлари, мавзуга оид материалларнинг контенти, шакли ва усуллари, тил ва услуб хусусиятлари, хотин-қизлар мавзусини ёритишда журналист маҳорати ҳамда ахлоқий меъёрлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида контент ҳамда қиёсий таҳлил, кузатув, умумлаштириш, семантик-стилистик таҳлил ва мантиқийлик каби илмий усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ҳуқуқий эволюциясининг тўрт босқичи аниқланди, хотин-қизларга оид давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этишда матбуотнинг ижтимоий-сиёсий институт сифатидаги имкониятлари назарий жиҳатдан асосланган;

Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалаларининг миллий босма ва интернет ОАВда ёритилишининг тамойиллари, меъёрлари, жанрлари, илмий-ижодий усуллари, гендер муносабатларига доир матбуот лексикасининг хусусиятлари, турли функционал услубларининг қоришуви илк маротаба аниқланди ва гендер мавзусини ёритишда журналист маҳорати билан бирга ахлоқий тамойилларга риоя этиш зарурлиги далилланган;

CEDAW Конвенциясини Ўзбекистонда ижро этиш, хусусан аёлларга нисбатан барча кўринишдаги камситиш ва зўравонликларни бартараф этиш масаласи ёритилган матбуотда материалларида муаллифнинг мантиқий фикрлаши ва ҳиссиётларида номутаносибликлар мавжудлиги, факт ва унинг талқинини фарқлай олмаслик ҳолатлари аниқланди, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича берилган матбуот чиқишларида эса ҳуқуқий, ташкилий, молиявий ва маънавий омилларнинг муҳимлиги асосланган;

матбуотда аёллар образини яратишдаги мавжуд қолиплар аниқланди, уларни бартараф этишда журналистнинг гендер маданияти, аудиториянинг гендер борасидаги таълим-тарбиясини, матбуот материалларнинг шакл ва усуллари тақомиллаштириш муҳим аҳамият касб этиши асосланган;

мавзуни ёритишда журналист маҳорати ва касбий одоб-ахлоқи самарадорликка эришишдаги муҳим омиллар эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

миллий босма ва интернет нашрлари жамиятда гендер маданиятини шакллантириш, гендер мувозанатини таъминлашга бевосита хизмат қилувчи омил экани асосланган;

Ўзбекистонда хотин-қизлар мавзусига ихтисослашган даврий нашрлар типологик жиҳатдан таснифланди ва тизимли тартибга келтирилган;

ижтимоий-сиёсий, ихтисослашган ва онлайн матбуотида хотин-қизларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидаги фаолияти,

CEDAW Конвенциясининг ижроси ҳамда хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш жараёнларини ёритишда қўлланган асосий жанрлар, усуллар, тамойиллар ва ёндашувлар аниқланган;

мавзуни ёритишда “Саодат” журналин, “Yoshlar ovozi” газетасининг самарадорлигини таъминловчи омиллардан тил ва услубнинг, аёллар образини яратишдаги қолиплар бартараф этилишининг, журналист маҳорати ва касбий одоб-ахлоқининг таъсир миқёси аниқланган;

хотин-қизларнинг давлат ва жамиятни юксалтиришдаги ролини оширишга қаратилган босма ва интернет нашрларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** кенг илмий жамоатчилик тан олган дунёнинг ривожланган мамлакатлари, жумладан, Россия, Европа, АҚШ ҳамда МДХ давлатлари етакчи олимларининг илмий-тадқиқот ишлари назарий ва методологик асос бўлиб хизмат қилганлиги, таҳлил жараёнида мантқан асосланган (анализ, синтез, қиёслаш ва умумлаштириш) усуллари фойдаланилганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти матбуотда, жумладан, босма ва интернет ОАВда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ёритилишига оид илмий-назарий қарашлар умумлаштирилиб, ўрганилаётган муаммо бўйича янги назарий ва эмпирик маълумотлар баён этилгани ҳамда матбуотнинг ушбу соҳадаги фаолиятини такомиллаштириш борасида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги асосий хулосалар ва назарий умумлашмалардан журналистика таълими жараёнида матбуот тарихи, назарияси ва амалиёти йўналишидаги маъруза ва амалий машғулотларда, журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимида ўқув ва ўқув-услубий адабиётлар тайёрлашда, матбуотда гендер масалаларига оид махсус курслар ишлаб чиқиш ҳамда бакалавр битирув ишлари, магистрлик диссертациялари ва илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон матбуотида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалаларининг ёритилиши бўйича олинган хулоса, таклиф ва тавсиялар асосида:

CEDAW Конвенциясининг ижроси, хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш жараёнларини ёритиш юзасидан олинган илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ахборот хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича лавозим йўриқномасига қўшимча мезонлар ишлаб чиқишда, ташкилот томонидан ўтказилган қатор илмий-амалий анжуманларда хотин-қизлар мавзусини ёритувчи

журналистлар салоҳиятини оширишга қаратилган янги касбий кўникмалар ҳосил қилиш бўйича тавсиялар шакллантиришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2019 йил 10 январь 02/56-20 рақамли маълумотномаси). Илмий натижалар журналистларда ушбу долзарб йўналишлар бўйича ОАВда мақолалар чоп этишга қаратилган янги амалий кўникмаларни ҳосил қилишга хизмат қилган.

Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллиги мавзусини ёритишнинг тамойиллари, меъёрлари, илмий-ижодий усуллари юзасидан олинган илмий натижалардан “Саодат” журнали таҳририятининг аудитория билан ишлаш кўламини кенгайтиришда ва сифатини оширишда, жумладан нашрнинг дизайни, ранг сиёсатини гендер индикаторлар асосида қайта кўриб чиқиш ва янгилашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси “Саодат” журнали таҳририятининг бу тўғридаги 2019 йил 17 декабрдаги 146-рақамли маълумотномаси). Илмий натижалар аёлларнинг илм-фан соҳасидаги ролини кўрсатиш, улар учун жорий қилинган имкониятларни тизимли таҳлил қилиб бориш учун “Инновация – бу келажак”, “Имтиёз ва имконият” каби янги рукнлар жорий қилинишига хизмат қилган.

Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигинининг ҳуқуқий эволюцияси, тегишли қонунчиликни такомиллашувини ёритиш юзасидан олинган илмий натижалардан “Yoshlar Ovozi” газетасининг истиқболли режасини ишлаб чиқишда, таҳририятнинг қизлар ижодий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган медиа лойиҳаларини амалга оширишда, савол-жавоб, мутахассислар маслаҳати каби воситаларни кенг қўллашни йўлга қўйишда фойдаланилган. (“Yoshlar Ovozi”-“Молодежь Узбекистана” газеталари бирлашган таҳририятининг 2019 йил 12 декабрдаги 19/107-рақамли маълумотномаси). Илмий натижалар газета дизайни ва шрифт сиёсатини қайта кўриб чиқишга, хотин-қизлар мавзусини ёритишда сарлавҳалар сифатини яхшилашга, таҳририятнинг аудитория билан интерфаол алоқалари доирасини кенгайтиришга, қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш мавзуси бўйича мақолалар сони кўпайишига хизмат қилган.

Матбуотда аёллар образини яратишдаги қолиплар, уларни бартараф этишда журналистнинг гендер маданияти, аудиториянинг гендер борасидаги таълим-тарбияси ҳамда матбуот материаллари шакл ва усулларини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг аёлларга нисбатан оилада, ишхонада юзага келаётган зўравонликка қарши курашишдаги фаолиятини кенг тарғиб қилиш бўйича ОАВ билан ҳамкорлик режаларини, ушбу марказнинг Ахборот хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқишда, ОАВ муҳаррирлари ва журналистлари билан очик мулоқотларни ташкил этиш ва ўтказишда фойдаланилган. (ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила илмий-амалий тадқиқот марказининг” 2020 йил 4 февралдаги 01-

11/132 рақамли далолатномаси). Илмий натижалар ушбу марказнинг турли кшринишдаги зшравонликка ва таҳқирланишга учраган хотин-қизларнинг реабилитациясига доир фаолиятини кенг тарғиб этиш учун ОАВ билан ҳамкорлик йўналишлари ва шаклларини белгилаб чиқишга хизмат қилган

Хотин-қизлар мавзусини ёритишда самарадорликнинг муҳим омиллари ҳисобланган журналист маҳорати ва унинг касбий одоб-ахлоқи юзасидан олинган илмий натижалардан Республика Миллий Матбуот маркази ахборот хизмати ва ОАВ ходимлари учун йўриқнома ишлаб чиқишда, ташкилот томонидан ушбу йўналишда ҳудудлардаги ОАВ ва журналистлар салоҳиятини оширишга бағишланган матбуот анжуманларини ўтказишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий матбуот марказининг 2020 йил 10 январдаги 01/05-рақамли маълумотномаси). Илмий натижалар хотин-қизлар масаласини самарали ёритиш бўйича журналистларнинг касбий маҳорати ошишига ва мавзуни талқин этишда янги ёндашувларни қўллашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бта илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 5 илмий мақола, жумладан 3таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган; ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда хотин-қизларга оид давлат сиёсатини ёритишда ихтисослашган нашрларнинг ўрни ва вазифалари”** деб номланган биринчи бобида мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ҳуқуқий эволюцияси, ушбу соҳада давлат сиёсатининг амалга оширилишининг асосий босқичлари, хотин-қизлар мавзусини ёритишда ихтисослашган нашрларнинг роли ва типологик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Бобнинг биринчи параграфида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва ҳуқуқий такомилнинг тўрт босқичи назарий жиҳатдан асослаб берилди. Ҳозирги, тўртинчи босқичда (2017 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар) хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оилани мустаҳкамлаш борасидаги қонунчилик такомиллаштирилди. Аёлларни мамлакат парламенти, турли даражадаги ҳоким, вазирлик ва идораларда раҳбарлик, элчи лавозимларига тайинлаш прецедентлари юзага келди. Ушбу жараёнлар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда, амалга оширилган ишларини тарғиб этишда матбуот ва бошқа ОАВ муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бобнинг иккинчи параграфида хотин-қизлар масаласини ёритишда ихтисослашган нашрларнинг роли ва типологик хусусиятлари таҳлил қилинди. Хотин-қизлар мавзуси миллий матбуот саҳифаларида илк бор ХХ асрнинг бошларида жадидлар нашрларида кўтарилгани асослаб берилди. 1906-1913 йиллар оралиғида чоп этилган “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” газеталари, “Ойина”, “Ал-ислоҳ” журналлари саҳифаларида чоп этилган миллат аёллари дунёвий саводхонлигининг ўта пастлиги, маиший ва руҳий қолоқлиги хусусидаги “ўтли” мақолалар, фелъетону-танқидга йўғрилган ҳажвларда ўз аксини топди. Айниқса, “Садои Туркистон” газетаси хотин-қизлар турмушига доир материалларни энг кўп ва ҳаётий ёритган нашр бўлди<sup>26</sup>.

<sup>26</sup> Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2009. – Б. 223.

Совет қурилиши шароитида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги индустриаллаштириш, колхозлаштириш жараёнларидан бошлаб, Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги ўн йилликларда, то “қайта қуриш” гача бўлган даврда коммунизм қурувчиси сифатида талқин этилди. “Қайта қуриш” даври матбуот чиқишларида пахта монокультураси таъсири оқибатида хотин-қизларнинг репродуктив саломатлиги кескин ёмонлашгани, бунинг натижасида оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари мамлакат бўйлаб энг юқори бўлгани, аёллар руҳиятининг аянчли аҳволи аудитория ҳиссиётларини жунбушга келтирадиган тарзда талқин этилди. Айнан ўша йилларда матбуот саҳифаларида аёлларнинг ўзига ўт қўйиш ҳолатлари бўйича ҳам ўнлаб чиқишлар чоп этилди<sup>27</sup>.

Мустақиллик даврида хотин-қизлар мавзусига ихтисослашган нашрларнинг кўпайиши жамиятда уларнинг ижтимоий фаоллиги ошгани билан боғлиқлиги кўрсатилди. Матбуот нашрларнинг типологик хусусиятлари барқарор константа эмас. Шунга қарамай, ОАВнинг мазмуни ва концепциясига таъсир этувчи қатъий типологик шакллантирувчи омиллар, К.В.Марчан фикрига кўра, “учта: кенг маънода материаллар географияси билан боғлиқ бўлган тарқатилиши минтақаси бўйича аудитория қамрови, нашрнинг предметли-мавзули контенти, ва ниҳоят, аудиторияга таъсир йўналишини белгиловчи мақсадли вазифа”<sup>28</sup>.

“Саодат” журнали, “Гулчехралар” газетаси ҳамда ушбу нашрларнинг бирлашган saodat-gul.uz сайти, “Oila davrasida”, “Oila va jamiyat”, “Ойдин йўл”, “Ойдин”, “Нафосат”, “Аёл ва замон”, “Тўмарис”, “Иқбол”, “Тўмарис авлоди” газеталари, “Бегойим”, “Суғдиёна”, “Lady”, “Қайнона”, “Ўзбегойим”, “Дугоналар”, “Tadbirkor Ayol”, “Мўминалар” каби 30га яқин марказий ва ҳудудий мақомдаги нашрлар ўзининг типологик хусусиятларига кўра, умумижтимоий, ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий, адабий-бадий, оммабоп, диний-маърифий мазмундаги, тадбиркор аёлларга мўлжалланган газета ва журналлар ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги ихтисослашган матбуотнинг типологик таснифланиши ва қатъий типологик “қиёфа”га эга бўлиш жараёни бошланғич босқичда эканлиги ҳам аниқланди.

Диссертациянинг **“Анъанавий ва электрон нашрларда хотин-қизлар масаласини ёритишнинг ўзига хослиги: тажриба ва таҳлил”** деб номланган иккинчи бобида матбуотда хотин-қизларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидаги фаолияти, CEDAW Конвенциясининг Ўзбекистонда ижроси масалалари, шу жумладан аёлларга нисбатан зўравонлик мавзуси ҳамда хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланган материалларнинг шакллари, усуллари, журналист ёндашувлари ўрганилган.

<sup>27</sup> Қаранг: Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1987-1989 й.й. тахлами; Правда Востока, 1988- 1990 й.й. тахлами; Совет Ўзбекистони, 1988-1991 й.й. тахлами.

<sup>28</sup> Марчан К.В. Женская пресса современной России. // Вестник Воронежского университета. Серия Филология. Журналистика, 2019, №1. // <http://www.vestnik.vsu.ru/pdf/phylogolog/2019/03/2019-03-27.pdf>.

Бобнинг биринчи параграфида Ўзбекистон босма ва интернет нашрлари «сиёсий жараёнга жалб этилган бўлиб, ... сиёсий сафарбарликнинг самарали канали»<sup>29</sup> вазифасини ўташга интилиши, матбуот чиқишларида хотин-қизларнинг турли даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, хотин-қизлар кўмиталарида, ўзини ўзи бошқариш органларидаги раҳбарлик лавозимларида, партияларнинг “Аёллар қаноти”даги фаолияти ўрганилгани асослаб берилди.

Мавзуни ёритишда “Саодат” ва saodat-gul.uz каби босма ва веб-нашрлар фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса “Саодат” журналининг “Жамият”, “Аёл ва сиёсат”, “Тадбирлар” каби рукнларида мунтазам равишда жамиятнинг барча жабҳаларида фаол бўлган хотин-қизларнинг меҳнати, ибратли ташаббуслари, турли даражадаги қарор қабул қилиш жараёнларидаги иштироки мунтазам ва кенг ёритилгани таҳлил қилинган. 2019 йил сайловлар жараёнида босма ва интернет нашрлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод аёллар ҳақида туркум материаллар бериб борди.

Матбуот нашрлари хорижий тажриба таҳлиliga ҳамда тарихий шахслар фаолиятига эътибор қаратмоқда. Масалан, «Эркаклар сиёсатдан чарчашди». Нега сиёсатда аёллар фаоллашиб бормоқда?»<sup>30</sup> сарлавҳали мақолада муаллиф жаҳон давлатларини бошқараётган беш нафар аёл ҳақида ҳикоя қилади. Saodat-gul.uz сайтида чоп этилган Ш.Ҳайитовнинг “Истеъдодли Бобурийзодалар»<sup>31</sup> сарлавҳали мақоласида эса Бобур ва Бобурийлар хонадони аёллари орасидан оқила маслаҳатгўйлар, етук донишмандлар, забардаст олималар, сухандон шоиралар ва зукко санъатшунослар етишиб чиққани кўрсатилган.

Тадқиқотчиларнинг “замонавий муштарийларнинг аксарияти “визуал”чи бўлиб, визуал образларда мужассамланган ахборотни яхшироқ ўзлаштиради»<sup>32</sup>, интернет ривожланиши давомида «информацион фаолият ... фақат журналистнинг ўқувчига ахборот узатишидек бир томонлама фаолият эмас, балки жамоавий меҳнатга айланди»<sup>33</sup>, деган кузатувларига кўра, ушбу онлайн ресурси ҳам визуал, ҳам технологик имкониятларидан тўла фойдаланмаётгани, ахборотни инфографика ва бошқа форматларда тақдим этмаётгани кўзга ташланади.

Бобнинг иккинчи параграфида Ўзбекистонда Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги (CEDAW) Конвенцияни ижро этишда матбуот воситасида ахборот-маърифий тадбирларни рағбатлантириш ва ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш тақозо

<sup>29</sup> Политическая журналистика. Учебник для бакалавриата и магистратуры. Под ред. С.Г.Корконосенко. - М.:Юрайт,2016. – Б.31.


<sup>30</sup>«RIA Novosti»: “Эркаклар сиёсатдан чарчашди». Нега сиёсатда аёллар фаоллашиб бормоқда. <https://www.xabar.uz/uz/siyosat/erkaklar-siyosatdan-charchashdi/> 2018, 13 март.

<sup>31</sup>Ҳайитов Ш. Истеъдодли Бобурийзодалар.// <http://www.saodat-gul.uz/istedodli-boburiyozodalar/> 2018, 10 апрель.

<sup>32</sup> Муратова Н., Гриэл Э., Мирзахмедова Д. Медиа- и информационная грамотность в журналистике: пособие для журналистов и преподавателей журналистики. – Т.:Baktria press, 2019. – Б.57.

<sup>33</sup>The audience: involved and in motion. Chapter 3.// <http://www.hh-pub.com/productdetails.cfm?PC=168>.

этилиши асослаб берилди. Миллий босма ва интернет ОАВда CEDAW Конвенциясида хотин-қизларнинг барча кўринишдаги камситилишининг олдини олиш, тазийқ ва зўравонликлардан химоя қилиш масаласи кенг ёритилаётганига эътибор қаратилди. Зеро, ОАВ, А. Сидорская ва А. Радулар фикрига кўра, зўравонлик муаммоси “ҳақидаги тасаввурларни ўзгартиришда катта салоҳиятга эга, бу эса, ўз навбатида, ижтимоий ўзгаришларни рағбатлашга кўмаклашади”<sup>34</sup>. Матбуотнинг 2015-2020 йиллардаги материалларининг таҳлили босма нашрларда ушбу мавзу ёритилиши динамикасини аниқлашга имкон берди:



Кўриниб турибдики, охириги 3 йилда ушбу ўта “нозик” мавзу диаграммада тилга олинган нашрларда мунтазам ёритилмоқда. Ушбу ОАВда зўравонликнинг моҳияти, турлари, юзага келиши сабаблари, аёл ва болаларга нисбатан зўравонликнинг руҳий оқибатлари ҳамда оиладаги зўравонлик вазиятларида қандай ёрдам кўрсатилиши борасида кўплаб материаллар бериб борилади. Масалан, Anhor.uz да чоп этилган “Оиладаги агрессия ва зўравонлик ҳақида”<sup>35</sup> сарлавҳали мақолада Олмалик шаҳар ИИБ тергов бўлими бошлиғи Даврон Убайдуллаевнинг мулоҳазалари келтирилади: “Милицияда ишлаган йилларим давомида эркакларга кўп маротаба “Нима учун бундай қилдингиз?” деган саволни берганман. Жавоблар турлича бўлган, аммо барчасида тарбиядаги нуқсонлар, эскилик сарқитлари, жазо бўлмаслигига ишонч кабилар ифодалангани”. Энг асосийси, зўравонлик учун Жиноий кодекснинг тегишли моддаси бўйича жавобгарлик мавжудлиги эслатилади. Таниқли журналист Хонбиби Ҳиммат кизи (Маҳамова)нинг “Эр хотинига жарима тўлади”<sup>36</sup> сарлавҳали мақоласида ҳам аёлларга нисбатан қилинган зўравонлик учун жиноят сифатида жамиятимизда муносиб жазо олиниши кўрсатилган. Шу билан бирга, аёлларга нисбатан турли кўринишдаги зўравонлик ҳолатлари ҳақида фикр юритилаётганда аксарият журналистлар факт ва ҳодисаларни эътироф этиш билан чегараланиб


<sup>34</sup>Сидорская А., Раду А. Гендер и СМИ. Учебное пособие для журналистов. – Минск: РИВШ, 2014. – Б.66.

<sup>35</sup> Об агрессии и насилии в семье.// <https://anhor.uz/society/> 2017, 27 ноябрь.

<sup>36</sup> Қаранг: Хонбиби Ҳиммат кизи. Эр хотинга жарима тўлади.// Zo'r Tasvir.// 2019, 26 сентябрь.

колаётгани, ушбу иллатнинг ижтимоий ва бошқа илдизлари чуқур тадқиқ этилмаётгани асослаб берилди.

Бобнинг учинчи параграфида глобал миқёсда хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликнинг ривожланиши ХХI асрнинг хос белгисига айлангани кўрсатилган. Зеро, «ижтимоий-иқтисодий ривожланиш гендер мувозанатини бир неча томонга йўналтиради... Бунда ўзаро муносабатлар комплекс мазмунга эга бўлади ... эмпирик далилларга таянган иқтисодий ўсиш гендер тенгликни ўстириш»га<sup>37</sup> олиб келади. Ушбу мазмундаги материалларда асосан хотин-қизларнинг муайян тадбиркорлик тури билан шуғулланиши, нечта иш ўрин яратгани, фаолияти истиқболлари, улар иштирокидаги турли тадбир ва танловлар хусусида ҳикоя қилинади. Таҳлилларга кўра, 2015-2020 йиллар оралиғида босма нашрларда тадбиркор аёллар фаолиятини ёритиш динамикаси қуйидагича бўлгани аниқланди:



Ушбу давр мобайнида мавзу бўйича материаллар сони изчил ўсиши кузатилди. Нашрлар кесимида «Халқ сўзи» газетаси пешқадамлик қилди, «Саодат» ва «Оила ва жамият» нашрлари ҳам фаол бўлди. «Дугоналар» журналида ушбу мавзуда чоп этилган материаллари сони кам экани, «Tadbirkor Ayol» журналида аёллар тадбиркорлиги ривожланишининг асосий йўналишлари, юқори натижаларга эришган хотин-қизларнинг фаолиятига доир корреспонденция, лавҳа, суҳбат, портрет материаллар мунтазам чоп этилиши аниқланди.

Ишда хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни кенг ривожлантириш мақсадида матбуотда ижтимоий сўров натижаларини мунтазам чоп этиш ижобий самара кўрсатиши таъкидланган. Масалан, «Ижтимоий сўров: Ўзбекистон аёллари иқтисодий мустақил бўлишни хоҳлайди»<sup>38</sup> номли социологик резюмеда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган мамлакат аёлларининг фаол ишбилармонлик

<sup>37</sup> John, N. A., Stoebenau, K., Ritter, S., Edmeades, J. and Balvin, N. (2017). Gender Socialization during Adolescence in Low- and Middle-Income Countries: Conceptualization, influences and outcomes. Innocenti Discussion Paper 2017-01, UNICEF Office of Research – Innocenti, Florence. – P.26.

<sup>38</sup>Ижтимоий сўров: Ўзбекистон аёллари иқтисодий мустақил бўлишни хоҳлайди. //mt.uz/uz/press-sluzhba/novosti/izhtimoiy-s-rov-zbekiston-ayellari-i-tisodiy-musta-il-b-lishni-kho-laydi/ 2018, 26 январь.

фаолиятига доир тадқиқоти натижалари келтирилган. Унда сўров иштирокчиларининг 20,2 фоизи тадбиркор сифатида фаолият юритиши, 24,2 фоизи эса ўз ишини бошлаш истагидалиги, 84,2 фоиз респондент аёллар ижтимоий-сиёсий фаолият билан шуғулланиш кераклигини маъқуллагани<sup>39</sup> билдирилган.

Шу билан бирга, босма ва интернет нашрларининг муаммоли мақола, журналист суриштируви, шарҳ ва бошқа таҳлилий жанрлар имкониятларидан фойдаланиши жуда суст. Бизнес билан шуғулланишга бел боғлаган хотин-қизлар қандай йўл тутишлари, қайси ташкилотларга мурожаат этиши, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, тадбиркорликка ғов бўлаётган объектив тўсиқлар хусусидаги материаллар ҳам кам.

Диссертациянинг **“Хотин-қизлар мавзусини даврий нашрларда ёритилишида тил ва маҳорат масалалари”** деб номланган учинчи бобида мавзуга оид матбуот материалларининг тили ва услуги, аёллар образини яратишдаги қолиплар ва уларни бартараф этиш йўллари, журналист маҳорати ва унинг фаолиятининг ахлоқий жиҳатлари илмий таҳлилга тортилган.

Бобнинг биринчи параграфида хотин-қизлар мавзусига оид матбуот материалларининг тили ва услугидаги ўзига хос жиҳатлар ўрганилган. ОАВда тил воситаларини танлаш, мослаштириш ва ишлатишни ўрганишда ҳар бир оммавий коммуникациянинг характерли прагматик таъсири имконидан келиб чиққан ҳолда, уни аниқлаш ва такомиллаштириш талаб этилади. Чунки “оммавий коммуникация тизими тилдан мунтазам фойдаланиш бўйича ҳам фаол ўринлардан бирини эгаллайди”<sup>40</sup>. ОАВдаги “тил жараёнлари, энг аввало, ... аниқ услубий чегараларнинг барҳам топиш тенденцияси мавжудлиги; медианутқнинг янгиликлар, ахборот, таҳлил, шарҳ каби асосий матнларида сўзлашув услуги меъёрларининг кенг қўлланиши; нотўғри нутқ кўринишларининг... оммалашуви... каби”<sup>41</sup> хусусиятларга эга бўлади. Бундан ташқари, “газета, журнал қайси соҳага ихтисослашган бўлса, унинг тилида шу соҳага мансуб терминлар, бирикмалар, конструкциялар сезиларли даражада учрайди”<sup>42</sup>.

Шу маънода матбуот матнлари лексикаси таркибида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий мазмундаги сўз ва сўз бирикмаларининг улуши юқори, чунки улар ўртасида сиёсий фаолият кўрсатиш, бошқарув органларида ишлаш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш жараёнлари кузатилмоқда. Масалан, *партияларнинг аёллар қаноти, депутатликка номзод аёллар, ҳоким, ҳоким ўринбосари; хотин-қизларга молиявий кредитлар, бизнес-режа, коворкинг марказлари, маҳалла маслаҳатчиси* каби сўз ва иборалар деярли барча нашрлар матнида кузатилади. Хотин-қизларнинг меҳнат фаолиятига доир, миллий хунармандчилик билан боғлиқ ўтмишдан қайтиб, фаол

<sup>39</sup>Халқ сўзи, 2018, 11 март.

<sup>40</sup> Кондратьева-Фишер И. С. Особенности устных выступлений носителей элитарной речевой культуры // Вопросы стилистики. Вып. 25. – Саратов, 1993. – С. 151–160.

<sup>41</sup> Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида). Филол. фан. докт. дисс. автореф. - Т.:ЎзДЖТУ, 2012. – Б. 12.

<sup>42</sup> Тохиров З. Таҳрир мантиқи.-Т.:Ўзбекистон НМИУ, 2016. – Б. 105.

қўлланаётган сўзлар ҳам шулар жумласидан: *зардўз, абрбандчи, қандолатчи, заргар ва б.* Матбуот материалларида халқ оғзаки ижодининг ёрқин намунаси бўлган мақоллардан ҳам кенг фойдаланилади: *кўнглимга қил ҳам сиғмайди*<sup>43</sup>, *инсон умри оқар дарё*<sup>44</sup>, *қиз бола палахмон тоши, бир қиз асрагандан, бир қон ун сақла*<sup>45</sup> ва ҳ.к.

Даврий нашрлар кенг аудиторияга мўлжалланган экан, уларнинг тили тушунарли, адабий меъёрлар нуқтаи назаридан тўғри ва аниқликка асосланиши керак. “Бунинг учун журналист адабий тил меъёрлари, жумла тузиш, фикрни ёзма билдириш маҳоратига эга бўлиши лозим”<sup>46</sup>. Шу маънода матбуот материалларида тил ва услуби жиҳатидан кенг тарқалган нуқсонлардан узун жумлаларни қўллаш, тавтология, клише сўзлар ва сўз бирикмалари, плеоназм, сўзни нотўғри қўллаш, имловий хато кабиларни айтиш мумкин.

Бобнинг иккинчи параграфида матбуот чиқишларида аёллар образини тасвирлашдаги қолиплар ва уларни бартараф этиш йўллари тадқиқ этилган. Қолип, стереотип истилоҳи “муайян объект хусусидаги эмоционал мазмун ва юқори барқарорликка эга схематик, стандартлашган тасаввур”<sup>47</sup>ни англатади. “Стереотип яратиш инсон психикасининг хоссаси”<sup>48</sup>деб ҳисобланади. Матбуот ва бошқа ОАВ «ижтимоий, маънавий, гендер, оилавий ва бошқа тимсолий қадриятлар тизимини шакллантирувчи ўзига хос мафкуравий конструкт, код»<sup>49</sup> вазифасини бажаради. Яъни улар ижтимоий онгга эркак ва аёлларнинг ижтимоий роллари, хатти-ҳаракатларини тушунишда муайян баҳога таянган муносабатни белгилайди.

Матбуот саҳифаларида бошқарув тизими вакиласи, хотин-қизлар қўмитаси фаоли, тадбиркор, фермер, олима, шифокор, педагог, шу жумладан олийгоҳ ўқитувчиси, қурувчи, кино, театр саҳнаси, эстрада, спорт «юлдуз»и, ҳуқуқ-тартибот органлари ходими образларига кенг ўрин берилган<sup>50</sup>. Охирги йилларда зўравонлик, траффик (одам савдоси) қурбони, жиноят содир этган аёллар образи ҳам ёритилмоқда. Масалан, журналист Барно Султонованинг “Ўзбек аёли жиноят қилишга мойил...ми?”<sup>51</sup> сарлавҳали мақоласида аёлларни жиноятга қўл уришининг асосий сабаблари сифатида унинг шаъни, кадр-

<sup>43</sup> Султонова Б. Нурсиз келажак, боши берк кўча...// <https://www.xabar.uz/mualliflar/barno/nursiz-kelajak-boshi-berk-kocha>.

<sup>44</sup> Орқамда айтган сўзим, ёруғ изим бор...// <http://www.saodat-gul.uz/shundaylardan/> 2019, 3 октябрь.

